

Эгнида жулдур чакмон, бошда дарвешлар кулохи, кўлда иргай асо, яланг оёк, кўзларида тўла мунг, хасрат, айрилик дарди. Бу оламнинг нафси лаввомаларидан, фиску фужурлардан тўйган, жахолат ва гафлатда ётган элнинг ночор ахволдан чексиз нэтироблар чеккан, динфурушлик касдида юрган риёкор ва таъмагир шайх-зохидларнинг килмишларндан куйган бу инсон дашту биёбонларга бош олиб кетаётир.

У куёшнинг аёвсиз кизднраётганига парво килмайди. Ташналиқдан лаблари куриганини сезмайди . Ял

анг оёклари тарс-тарс ёр

и

лганини билмайди. У

к

аландарли

к рутбаси билан

хатто

«хар дашту хар сахрога сигмай

» колган. Одамларнинг кўз

и

уй

ку

далигидан, ишк элининг ночно

р

лигидан

«ю

р

ак по

р

а

,

кўз

и

ё

ш

лу

к

»

,

«куюб бирён

,

бўлиб хайро

Н

»

дарбадар кезиб юрибди

.

Ў

з юртига сигмай

,

«каланда

рваш

бўлуб доим э

ш

икларда фигон

айлаб

»

бораётир. Чунки у

«ишк ўтига ўртаниб, девона бўлган»,

рост сўз айтиб, балога колган. Намозу рўзасини сотувчи, нафс ва шухрат илинжидаги, тамаъ ва риё билан ошно тутинган айрим жаҳолатпарастлардан фаркли Аллохга чексиз ишк-мухаббати, ихлоси ва таваккули туфайли халойикка афсона бўлган. У

«

К

айси танни

ишки

йў

К

бўлса, они и

й

мон

и

й

ўк

»

деб

х

исоблайди

. К

имнинг

ишк

да

р

ди б

ў

лса

,

у ўз

и

ни

курбон

к

илишга тайёр

дардманлардандир.

Аmmo

«

х

*ало*

*йиклар кувлар ёмон деб, хар шахар*

*борса...»*

Шул бо

ис,

у

*«дунёга келиб*

*р*

*анжу балони»*

кўрди.

И

шк ўтига ўртан

и

б девоналикни

а

фзал бил

ди.

«

Э

*л аро расволи*

к

»

касб килди

, хар ж

ойдан қувилди

.

Жахолат бор жойда заковат

гунг

бўлди

, бўйин эгди.

Англаган бўлсангиз, бу дардлиг, ўтлиг калб сохиби буюк Инсон ва оташнафас шоир Машраб эд  
и  
.

Машрабни ўз даврида ҳам яхши англашмаган, тушунишмаган эди ва алал-окибат унинг х  
аёти  
фожиали якун топди. Кей  
и  
нчалик ҳам унинг та  
к  
дири ха  
к  
ида  
,  
иждод  
и  
тўғрисида гоят муҳолиф фикрлар  
айтил  
дики,  
бу кўнгилсиз холат  
хозирда  
хам давом этиб келяпти. Машрабнинг ҳаққи-ҳурмати, адолат ва инсоф юзасидан бу  
масалада бир тўхтамга келиш зарурияти пайдо бўлди.

Машраб ижоди чуқур ва жиддий тадқиқ этилмаган, асарлари тўлиқ чоп этилмаган  
бўлса-да, хайтовур буюк шоиримизнинг ҳаёт йўли ва ўлмас газаллари ҳақида бир неча  
иомдор шоиру-олимларимиз изланиш олиб боришган. Мухтарам олимларимиздан  
Абдукодир Хайитметов, Иззат Султон, Воҳид Абдуллаев, Абдурашид Абдугафуров,  
Ваҳоб Раҳмонов, Мухсин Зокиров ва бошқалар, шунингдек академик шоир Гафур Гулом  
Машраб ижодини оммалаштиришда кўп хайрли ишлар қилишган. Уларнинг  
тадқиқотларини асло камситмаган холда ўзим англаган, тушунган  
, кашф  
этган Машраб ҳақида  
ги  
шах  
с  
ий мулоҳазаларимни баён эт  
моқчиман.

Маълумингизки, хозиргача Машрабни факат бир ёклама: динга карши газаллар битган,  
ру хонийлар ила

курашган исёнкор шоир сифатида тасвирлашга,

уни ўқувчи

га дахрий

сифатида

кўрсатишга

х

аракат килиб келинди. Масалан, 1959 йил

и

Гафур

Г

улом ўзининг «Икки Машраб» маколasiда шу

н

дай

ёзади

:

«Боборахим Машрабнинг бир талай асарлари юзасидан динга шак келтириши, дахр

и

йлиги ани

к

бўлиб, хамма шунга

к

ўникиб ке

л

аётганда бирорта ўта мутаасс

и

б ва тасаввуфдан иборат бўлган газали тушунчани бузади-да

,

нима дейи

ш

га хайрон коласан».

Машрабнинг ўша йиллари ўзбек ва рус тилларида чиккан китобларига сўзбоши ёзган  
Абдукодир Хайитметов хам Машрабни

И

слом д

и

нига, шариатнинг асосий ахкомларига карши чи

к

иб

,

ула

р

га б  
ў  
йсунмаганини ёзади. Кей  
и  
нро  
к,  
70-йилларда Машраб  
г  
азаллари жамланган китоб  
нинг  
тузувчиси Абдурашид Абдугафуров ҳам  
,  
19  
80  
йил  
и  
чоп этилган девон сўзбошиси муаллифи Ва  
х  
об Рахмонов ҳам шоирни дахрийга чиқар  
иш  
ади ва унинг кўпгина  
г  
азаллари дин  
п  
ешволарига  
,  
ислом  
ий  
ак  
и  
даларга қар  
ши  
к  
арат  
и  
лган  
,  
дея хулоса қ  
и  
қар  
ишади.  
Бундай таъналар бошқа  
тадқиқотларда, дарсликларда ҳам учрайди. Аслида шундаймикин?

Минг-минг таассуф бўлсинки, бу чалкаш, мубхам, бахсли фикр- лашларнинг бир учи  
октябр  
тўнтариши  
дан кейин «дин  
—  
хал  
к  
учу  
н  
афюндир» дея юргизилган тескар  
и  
сиёсатнинг илдизларига  
б  
ориб такаладн. Узо  
к  
йиллар мобайнида хал  
к  
имизнинг бой тарихи ва маданий мероси «диний  
руҳда  
экан» тамгаси ила топталди.  
О  
дамлар  
к  
алб  
и  
да  
н, онгидан  
эътикод, и  
й  
мон  
,  
ишонч  
кисиб  
чи  
карилди  
. Иш шунга бор  
и  
б етд  
ики  
, пайга  
мбаримиз  
Мухаммад алайхиссалом  
ни  
«афсонавий шах  
с  
» деб эълон кил

ишди

.

Бу телба сиёсат шундайгина адабиёт майдонига хам кўчди. Шоир ўз асарида «олий хакикат бўлмиш Аллохнинг каломи олдида риекор шайх ёки зоҳиднинг сўзларн пуч» деб ёздими, бас! У дахрий, у Ислон акидасига, шариат ахкомларига карши курашган хисобл анаверди. Вахдат майи

н ичиб,

дунё ташвишларидан э

так силк

кан Умар

Х

айём майпа

ра

стликни, ичкил

и

кни таргиб

килган

бўлиб

ч

и

кди.

«Ёрсиз

,

хам бод

асиз

Маккага бормо

к

не керак»

ох

урган Машрабни куфр

да айблаш

,

И

слоннинг му

каддасотларига нописандликда коралаш одат тусига кирди. Адабиёт дарсликлари муаллифлари Хожа Ахмад Яссавий ижодини хам ниҳоятда

«

реакцион

»

деб эълон килишди.



Холбуки, тасаввуф адабиётида вахдат майи «тавхид завки»ни, яъни Аллохнинг ягоналигига холис, чин дилдан иймон келтиришни англатади.

«

Тавхид» деганда

Аллох таолони барча жихатдан ягона, мутлак танхо деб дилдан эътикод қилиш, фақат Аллохнинг розилигини исташ, фақат Уни ўйлаб, зикри билан машгул бўлиш назарда тутилади.

Шунингдек, «вахдат майи» деганда тавхид калимасини ҳам тушуниш мумкин.

Тарикат йўлини тутган барча шоирларнинг, хусусан, Боборахим Машрабнинг ижодида ҳам аксар ҳолларда “ёр жамоли”, “ёр висоли” дейилганда Аллохга ошиқлик, Унга етишмоқ истаги тушунилган. Аллохнинг васлига восил бўлиш учун

«

каландарваш бўлиб доим, эшиқларда фиғон айлаб

»

юриш тасаввуфда айб саналмайди.

Тасаввуф Исломи олам сахнига ёйилганидан кейин кўп ўтмай юзага келган.

Швейцариялик таниқли шарқшунос Адам Мец ўзининг “Муслмон Ўйғониши” асарида сўфийликнинг илдизлари хижрий учинчи-тўртинчи асрларга бориб такаллишнинг ёзади. Тасаввуфнинг Юсуф Хамадоний тарикати орқали Мовароуннахрда ҳам тез ёйилгани, сўфийликнинг илк тарғиботчиларидан бири Ҳаким ат-Термизий экани, унинг бу мавзуда “Китабут-тавосин” асари мавжудлигини тадқиқотчилар қайд қилиб ўтишган. Сўфийлик сулуқларидан бирининг асосчиси Нажмиддин Кубро эса хивалик бўлган. Юртимиздан Баҳоуддин Накшбанд, Ҳожа Ахрор Валий, Шайх Ҳованди Тоҳур, Маҳдуми Аъзам, Абдуҳолик Гиждувоний каби тасаввуфнинг йирик шайхлари, тарикат пирлари етишиб чиққанини қандай қилиб рад этиш мумкин?

Кўхна тарих саҳифаларини варақлаб кўрсангиз, ном чиқарган аксари шоир, фозилу олимларнинг қайсидир бир тарикатда эканини ёки ўзлари сулуқ юритганини кўриш мумкин. Жалолиддин Румий ё Боязид Бистомий, Шайх Шиблий ё Ҳожа Ахрор Валий, Абдурахмон Жомий ё Фаридиддин Аттор, Алишер Навоий ё Ҳожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Накшбанд ёки Машраб – кимнинг номини зикр этманг, ҳаммалари мутасаввиф бўлишган. Бўлганда ҳам иймонлари бақувват, дин асосларини, шариат аҳкомларини яхши билган, фозил ва солиҳ кишилар бўлишган. Фақат уларнинг риёзат, тақво, Аллохга етишиш йўлидаги воситалар борасидагина фарқий қарашлари бор.

Баски, *“Шариат ҳам, тарикат ҳам, ҳақиқат ҳам мандадур мавжуд”* деган Машрабни не сабабдан тасаввуфдан айри қилиб, ажратиб олайлик? Бас, шундай экан, *“жаҳонда ҳар не борин охиратга айладим итмом”* деб қуйиб-ёнган,

*“Ваҳдат майини пири мугон илкидан ичтим”*

деб ёзган,

*“Агарчанди зиёрат килмадим ман Каъбаи зохир, Тарикат хожасидурман-ки, Байтуллохга сигмамдур”*

деб фарёд чеккан Машрабни кайси тил билан дахрийга чикарайлик, куфрда айблалик?  
У холда

сулукдаги шоирлар ижоди кайси ўлчовларга кўра баҳолаган бўламиз? Масалан, Абу Бакр Шиблийнинг “Аллох ёди билан яшашимга олам гўзалликлари халакит бериб, эс-хушимни олмасин”, дея ўз кўзларини кўр килганини, Машрабнинг

*“Бир Худодан ўзгаси, барча галатдур Машрабо”*

деб ёзганини қандай тушунтириш мумкин бўлади?

Агар масалага хозиргача чалғиб-адашиб келинган йўл билан ёндашадиган бўлсак, “Ахли диллар нақди авкотини ягмо килди шайх” ёки “Зохид, сенга хуру менга жонона керак, Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак” деган сатрлар муаллифи Алишер Навоийни ҳам кип-кизил дахрийга чикариб кўйишимиз ҳеч гап эмас. Вахоланки, кейинги байтда шоир айтяптики, мен фақат Аллохнинг розилигини ва Унинг жамолини истайман, эй жаннату ундаги хуру гилмонларнигина ўйлайдиган зохид, Аллохнинг жамоли олдида сен истаган нарсалар аслида ҳеч нарсага арзимади.

Навоий хазратлари иймонли, такволи, дин асосларидан яхши хабардор комил мусулмон бўлганлар. Деярли ҳар бир йирик асарларини Аллох таолога ҳамду сано, Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломга саловоту саломлар билан бошлаганлар. У кишининг жуда кўп байтлари Куръони карим оятлари, ҳадиси шарифлар мазмуни билан йўгрилган. Бундан ташқари, Навоийнинг “Арбаъин”, Сирожул-муслимин”, “Муножот”, “Насойимул-мухаббат” каби соф диний асарлари ҳам бор. Агар бундан буён ҳам ўтмиш маданий меросимизга шу тахлитда муносабатда бўлишни тўхтатмасак, ўтмиш шоирлари ижодидан “динга карши гоёлари ва мазмунини” ахтараверсак, дахрийлик нима эканини ҳам билмайдиган, бутун ҳаёти ва ижоди Исломи дини билан узвий боғлиқ бўлган улуг аждодларимиз шаънини булғаб, тухмат ва бўхтонга ботирган бўлмаймизми? Келажак авлодга уларни таништиришда хиёнат қилган бўлмаймизми?

Аслида Навоий, Машраб, Аттор, Жомий каби назм султонларининг сатрларида минглаб бор қайтарилган “ёр” – барча махлуқотни яратган ва ҳамма нарсага кодир Аллох экани, шоирлар андалибдек чах-чах уриб қуйлаган “ишк” Яратганга мухаббат экани, улар етишган ҳақиқат эса – Аллохнинг зотий ва феълий сифатлари борлиқда намоёнлиги, бутун коинот Унинг катъий низоми асосида харакатланиши каби буюк ҳақиқатлар экани барча акли расо кишилар томонидан аллақачон эътироф этилганининг ўзиёқ бу борадаги ўринсиз тортишувларга аллақачон барҳам бериб бўлган. Асл мохият бундай: нафсига қул бўлган, бу олам ушбларидан ҳалос бўла олмаган, шайтон сиртмоғига тушиб

колган кайсидир шайхни хамда журму исёни, харомдан беҳазарлиги, гаддор ва нобакорлиги билан эл назаридан колган зоҳидни мазаммат килиш бошқаю такво ва хидоят йўлини тутиб, раъиятни яхшиликка чорлаш, ёмонликдан кайтариш, ўзи ошиқ бўлган Ёр васлига етиш учун йўлидаги мажозий “тўсик ва говлар”ни инкор килиш бошқа нарса! Ана шу нозик фаркни англай олмай, замонасозлик килиб улугларимизни даҳрийга чиқариш, уларнинг асарларидан “куфрона сўзлар” кидириш ўзини мусулмон санаган кишига асло тўғри келмайди!

Фақат бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак: авваллари-ку кўпларимиз замонасозлик килибми, нафс ёки мартаба илинжидами, золимнинг зулмидан кўркибми, нима бўлсаям Машраб ва у каби назм аҳли шаънига бўхтонлар килибмиз, таъна-маломатлар ёғдирибмиз. Улар “динсиз”дан олиниб, “даҳрий”га солинибди. Хатто Хожа Аҳроп Валийдек улуг тасаввуф шайхини Улугбекка қарши қўйиб, у зотни илм ва тафаккур душманига айлантиришгача бориб етилибди. Буларнинг гирт ёлгонлиги фош бўлгач хам кўпларимиз ҳамон эски, қотиб колган фикрларимиздан воз кеча олмай, уларнинг чин мусулмонлигини тан олгимиз келмай юрибди.

Энг ачинарлиси, даҳрий шўро тузуми аллақачон йўқлик қаҳрига кетиб, юртда мустақиллик, хурлик насими эса бошлади. Азалдан исломий бўлган мамлакатда Ислонинг буюқ ҳақиқати яна тантана қилди. Диний кадриятларимиз ўзимизга қайтди, аждодлар мероси кенг ўрганила бошланди. Бузук мафкура ва сохта эътиқодлар барҳам топди. Аммо шулардан кейин хам кўпларимизнинг бу борадаги қарашларимиз ўзгаргани йўқ, ҳамон ниманидир кутиб яшайпмиз. Улуг шеърият ва илм даҳоларини динсизга ёки динга қарши қурашган “толмас қурашчи”га чиқариб қўйиб, фикримиздан қайтишга, ҳатоларимизни тан олишга журъат топа олмай юрибмиз. Ёлгон бўлмасин, биргина олим, филология фанлари номзоди Мухсин Зокиров бунга ҳад қила олди: матбуотда тавба-тазарру билан чиқди, хозиргача Машраб каби шоирлар шаънига тухмат қилгани, “Мабдаи нур” каби ноёб фалсафий асарни ноҳақ танқид қилгани учун узр сўради. Колганлар-чи? Ё бу дорилонмон қунлар ўтиб, яна эътиқодсизликнинг қуни тугишини интиқ кутишяптими?

Машрабни замонга “мослаш”, уни Ислон ақидасига ва дин аҳлларига қарши қурашувчи шоир сифатида қитобхонга “такдим этиш” учун қандай найранглар, сохтакорликлар қилинмади, дейсиз? Масалан, “Қолдим” радиқли газалида:

*Юз гамза била қикди санам майқадасидин,*

*Зуннор уруб, дин ила иймон сота колдим*

деган байт бор. Ислом динида иймондан ажраш улкан фожиа, иймонни сотиш эса чидаб бўлмас кабохат, диндан чикиш демакдир. Масаланинг мохиятидан беҳабар ўқувчи “Нахотки, Машрабдай мусулмон шоир шу даражага борган бўлса!” деб таажжубга тушиши аниқ! Машрабнинг бир неча кўлэзма китобларига солиштириб кўрганимизда байтдаги иккинчи сатр ўша китобларда *“Барбод урубон дин ила дунё сота колдим”* шаклида келганини кўрдик. Газалнинг умумий мазмуни билан танишсангиз ҳам ёр, яъни Аллох ишида ошиқ динини ҳам, дунёсини ҳам, ҳамма нарсасини сотишга тайёр, деган маъно англашилади. Холбуки, 1971 йили нашрдан чиққан тўпламдаги сўзбоши муаллифи Абдурашид Абдугафуров Машраб газалларидан бир неча мисоллар каторида куйидаги байтни ҳам келтирганки, у юкоридаги даъволарни чиппака чиқаради:

*Килди менга бир жилва, ногаҳ бока колдим,*

*Ул жилвага дин ила дунё сота колдим.*

Демак, шоир бу ерда иймонини сотаётгани йўқ. Аллохнинг бир тажаллийси учун, Унинг васлига етишиш учун динини ҳам, дунёсини ҳам, ўзидаги ҳамма нарсани ҳам бой беришга, улардан осонгина воз кечишга тайёр! Тасаввуф адабиётида бу каби мисоллар жуда кўп учрайди. Гап шундай экан, унда Машрабни нопок йўллар билан иймонини сотганликда айблаш, дахрийга чиқариш кимга керак бўлиб колдийкин?

Бундай мисоллар бир-иккита эмас. Машраб асарлари исломий назар билан жиддий тадқиқ қилинмагани, мукамал девонига тартиб берилмагани боис, айрим тадқиқотчилар унинг асарларини истаганча тасарруф қилишган. “Ўзларига ёкмаган”, “дидларига тўғри келмаган” диний руҳдаги бутун-бутун байтларни, хатто газалларни “эътибордан четда колдиришган”. Масалан, 1981 йили нашр этилган девондаги “Ман эрдим булбули гўё фигон бирла чаман келдим” деб бошланувчи газалдан *“Пайгамбар умматимиз, чахорёрлар дастёримиз”* мазмунидаги бир байт “тушириб” колдирилган. “Ўзгинам” радифли газалидаги

*Йигдим ошиқларни ман жамъини дилдор (?) олдида,*

*Жамъи ошиқдин бурун Аллохни суйгон ўзгинам*

каби “диний” байтлардан “воз кечиб” кўяколинган. Энг тааж жублиси, жуда кўп газаллардаги Машраб Аллохнинг васли, жамоли, даргохи олиясини назарда тутган “дийдор” сўзи “дилдор” деб “тузатилаверганки”, натижада улардаги маъно бутунлай ўзгариб кетган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хўп, айримлар иддао қилаётганидай Машраб динсиз экан, иймонини сотган экан, унда нега “Ўзгинам” радифли газалида *“Ул куни дийдор деб Махшарни бузган ўзгинам”* деб фарёд чекади. Ёки

*“Майи вахдат тўла бергил мен Машрабга”*

ёки

*“Мансури Халлождек ичиб шаробу антахуро*

” деган сатрлар дунёнинг макру савдоларидан этак силкиб, Аллохнинг ишиқда куйиб-ёнган, Унинг васлига, тавхидига етишмок йўлида хонумонидан кечишга тайёр ошиқнинг ўтли фарёди эмасми?

Бу гапларни ёзишдан мурод, кўпгина таджикотчи олимлар ва адиблар яна Машраб билан Исломи дини ўртасига хитой девори қуришга интилмоқдалар. Ўтмишдаги тарикатлар, сулук юритган шайхлар, умуман тасаввуф ҳақидаги ҳақиқатни, тарихий маълумотларни тан олмай, Машраб каби шоирларни даҳрий, динга қарши қурашган ижодкор сифатида кўрсатишга уринмоқдалар. Улар

наздида

тасаввуф

бош

к

а нарсаю

И

сломи дини бошқа нарса эмиш.

Ҳарқалай, таникли адиблардан бирининг

«

Ў

збекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаида эълон

к

илинган «Машрабга дебоча» мақоласини ўқиб

,

шундай ҳулосага келиш мумкин. У

мақоласининг

бош  
и  
да «Маш  
р  
аб... Ш  
ар  
қда кенг тар  
к  
алган тасаввуф  
ф  
алса  
ф  
асининг булогидан чандон с  
и  
мирганини» тан олса, ку  
йирокда  
«Машраб дину тарикатни, тахту аркони давлатни эл кўзи олдида мас  
хара килган  
»  
деб  
хулоса чи  
к  
арад  
и. Муаллиф ўз фикрининг исботи учун Гафур Гуломнинг «Икки Машраб» мақоласидан  
«Боборахим Машраб ижоди... Исломи ақидаларига қарши қурашнинг байроғи бўлиб  
келди» деган жумлаларни келтиради.

Мутасаввиф шоирлар ижодидаги шайх-зоҳидларни, фожирлик қилган айрим дин  
ахллари танқид қилиш, ҳукмдорлар шаънига аччиқ сўзлар айтиш бошқая «Исломи  
ақидаларига қарши қураш» бошқа-бошқа нарсалар эканини қачон англаб етамиз? Ахир  
ижодкор нафс қулига айланган бир шайхни, бидъат ботқоғига ботган бир зоҳидни  
танқид қилгани билан диндан чиқиб, даҳрийга айланиб қолмайди-ку!

Шу ўринда ана шундай чалқаш фикрларнинг, асоссиз даъволарнинг келиб чиқишига бир  
жихатдан кўплаб олиму-ижодкорларимизнинг эски кўлёма манбаларни яхши ўқий  
олмасликлари, бор маълумотларни бузиб, «сохталаштирилган» китоб ва манбалардан  
олаётганлари ҳам сабаб бўлмаяптимикин, деб ўйланиб қолади киши. Нима бўлганда ҳам,  
ўтмишга ҳадеб тош отавериш, аждодларимиз бўлмиш шеърийят ва илм даҳоларининг  
ижодини ҳар хил «қолип»ларга солиш йўлидаги уринишларга барҳам бериш вақти  
келганини бир ўйлаб кўрсак ёмон бўлмас эди.

Ушбу мулохазалар оркали мухтарам олимларимизнинг шўро давридаги тадқиқотларини тафтиш этиш, уларга таъна-маломат қилиш ёки уларга ақл ўргатиш ниятимиз йўқ. Фақат Машрабнинг ўтли сатрлари мутолааси

чоғида

туғилган

айрим

шахсий мулохазаларни ўрт

оклашиш

га журъат этди

к

. Эҳт

им

ол,

бу

фикр

л

ар кимгадир бахсли тугилар, кимнингдир иззат

-

на

ф

сига

огир ботар

?

Авалло Аллох ҳақки, динимиз ҳақки, қолаверса, у

лу

г

юртдошимиз Бобораҳим Машрабнинг ҳақки-ҳурмати

бунинг учун бизни маъзур тутишсин.

Бирдан-бир

истак ва

умид

шуки,

Машраб

каби ўтмишдаги адиб-шоирларимизнинг

ижоди кимгадир ёқиш-ёқмас

лиг

ини ўйламай,

тор манфаатлар ўлида уларга турли ёрликлар ёпиштириш пайдан бўлмай, ҳамма

нарс

авлодларга ўз холича

,

бутунисича ва холис

етказилса

, яхши ва фойдали бўлур эди!

Ахмад МУХАММАД.

*(Ушбу макола 1990 йили ёзилган ҳамда ўша пайтда “Наманган хакикати” ва “Халк сўзи” газеталарида чоп этилган. Унда кўтарилган мавзу бугун ҳам долзарблигини йўкотмагани эътиборидан сайтимизга кўйишни лозим топдик).*